

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГИК
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ФАРҒОНА – 2019

Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Ж.Дадабоева – юридик фанлар номзоди

Такризчилар:

Н.Сиддиқов – юридик фанлар номзоди

А.Қамбаров –фалсафа фанлари номзоди

ИШЧИ ДАСТУРИ

Кириш

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш учун замин яратди. Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган катъий ислохотлар мазмунини очиқ беришни мақсад қилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларини бошқариш соҳасида ҳар бир раҳбар ходимлар ва профессор-ўқитувчилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини билиши лозим.

Ушбу дастурда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари жумладан: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари баён этилган.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар таёрлаш Миллий дастури, фармонлар, қарорлар ва буйруқлар каби норматив ҳужжатлар қўлланилмоқда. Лекин шу кунга қадар таълим ва тарбия жараёнларини субъектлари томонидан ушбу ҳужжатларни амалда қўлланилишининг назарий ва амалий жихатлари деярли ўрганилмаган. Бу ҳолатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асосларини ҳар томонлама назарий ва амалий жихатдан ўрганиш ва таҳлил этишни долзарблигидан далолат беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, норматив ҳужжатларни қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, шунингдек, уларда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

Модулнинг вазифалари:

-олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати сифатида қонун ҳужжатларини таҳлил этиш;

-олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати сифатида қонун ости ҳужжатларини таҳлил этиш;

-тингловчиларда норматив - ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;

-олий таълимга тегишли бўлган норматив -ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;

-норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш ва уларни ижросини таъминлаш;

- тингловчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- норматив -ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси;
- норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари;
- норматив -ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқилиши;
- норматив -ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритилиши;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш тўғрисида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- ўз касбий фаолият соҳаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хизмат кўрсатиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш **кўникмаларини** эгаллаши;

Тингловчи:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда тўғри қўллаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил этиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини** эгаллаши;

Тингловчи:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнларини бошқариш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида маслаҳатлар бериш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қарорлар қабул қилиш;
- тизимли фаолият тавсифидаги **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар

билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларини норматив-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Мустақил таълим
			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Олий таълим тизимини тартибга солувчи қонунлар	2	2	2	-	-
2.	Олий таълим тизимининг қонуности ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни	2	2	2	-	-
3.	Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти	2	2		2	-
	Жами:	6	6	4	2	-

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Олий таълим тизимини тартибга солувчи қонунлар

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ва олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Қонун тушунчаси ва унинг турлари. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таълим соҳасига оид меъёрлар ва уларнинг кафолатлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари.

2-Мавзу: Олий таълим тизимининг қонуности ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлар, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган

компьютер синфларида, таянч олий таълим муассасаларининг кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўлланилиши ва улар асосида ишлаб чиқилган бошқа ташкилий характерга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш масалалари ўрганилади.

Амалий машғулот мавзулари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштириш истиқболлари.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш истиқболлари.

3. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари.

4. Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий чора-тадбирлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълимга оид фармонлари ва қарорлари таҳлили.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг олий таълимга оид қарорлари ва уларни ижросини таъминлаш масалалари.

7. Таълим соҳалари бўйича Давлат таълим стандартлари ва уларни ишлаб чиқиш тартиби.

8. Малака талабларини ишлаб чиқиш тартиби ва ўқув режалар ва уларни шакллантириш тартиби.

Тингловчининг модул бўйича ўзлаштириш даражасини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар тавсия этилади:

Юқори даража қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича қарорлар қабул қилиш;
- норматив ҳуқуқий ҳужжатларни шархлай олиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича мустақил фикрлай олиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш олиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни моҳиятини тушуниш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, тушинтириб бериш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қиёслаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

Ўрта даража қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича мустақил фикр юрита олиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллай олиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни моҳиятини тушуниш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, тушинтириб бериш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

Паст даража қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни моҳиятини тушуниш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, тушинтириб бериш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011. -440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыш” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз

билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 591 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “ Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил

3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 351-сонли Қарори.


III. Махсус адабиётлар.

1. Олий таълим. Меъёрий - ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. “Истиклол” -Т., 2004.
2. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. -Т., 2013.
3. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. -М.: РУДН. 2002.
4. Регион: Управление образованием по результатам Теория и практика / Под редакцией П.И.Третьякова. -М.: Новая школа. 2001.
5. Семеусов В. Предпринимательская деятельность в вузе // Российская юстиция. -М.: 2000.
6. Галаган А.И. Финансирование образования в развитых зарубежных странах. -М., 2003. -С. 23
7. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.
8. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.
9. Образовательное законодательство и образовательные системы зарубежных стран / Федеральн. центр образоват. законодательства. Центр публ.-правовых исслед.; Под. ред. проф. А.Н. Козырина. - М.: Academia, 2007. - 432 с. (Монографические исследования: право).


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Нима учун?” технологияси.

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.




“Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги



3-босқич


Тингловчилар мини гуруҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.



4-босқич

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши



«Нима учун»? схемасини тузиш қоидалари

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим

«ВЕЕР» технологияси.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий

фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“ВЕЕР” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

-бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

-мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш:

-яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (талабаларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда талабаларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда талабаларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади талабаларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи талабалар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир талаба яқка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида талабаларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатинг сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир талаба якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир талаба ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир талаба ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУ нинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир талаба ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан талабаларга мувожабат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши ўқув талабаларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши талабаларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва хоказолар.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Олий таълим тизимини тартибга солувчи қонунлар

Режа:

1. Жамиятда таълим соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.
2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва уларнинг турлари.
3. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.
4. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари.

Таянч тушунчалар: *Норма. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Қонун. Конституция. Кодекс. Қонун ҳужжатининг юридик кучи. Парламент. Палата. Қарор. Фармон. Фармойиш. Буйруқ. Қонун ости ҳужжати. Президент. Ҳукумат. Вазирлик. Давлат қўмитаси. Давлат идораси. Маҳаллий давлат ҳокимияти органи. Қонун устуворлиги. Референдум. Ҳуқуқий ворислик. Низом. Йўриқнома. Лойиҳа. Жамоатчилик фикри. Экспертиза. Реквизит. Ваколат. Расмий матн. Расмий манба. Расмий шарҳ. Қонун ҳужжатининг орқага қайтиши кучи. Коррупция. Ҳуқуқбузарлик. Манфаатлар тўқнашуви. Идоралараро комиссия. Давлат дастури. Жавобгарлик.*

1. Жамиятда таълим соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар икки хил қоидалар билан тартибга солинади. Улар ахлоқ, урф-одат, расм-русум, қадриятлар, анъаналарга оид қоидалар ҳамда ҳуқуқий қоидалар ҳисобланади.

Ҳуқуқ (соф юридик маънода) — ижтимоий манфаатларни ифодаловчи, давлат томонидан ўрнатиладиган ҳамда таъминладиган ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юридик нормалар тизими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг (баён этишнинг) асосий манбаи, шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат томонидан ўрнатиладиган, маъқулладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида расмий тури. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим соҳаси ҳам тартибга солинади.

Таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим воситаси — таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, уни қўллаш, амалиётга тадбиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Таълим тизимидаги қонунчиликнинг ҳолати, бошқа соҳаларда бўлгани каби янги қонунлар қабул қилинаётганлиги ва уларнинг амал қилаётганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу қонунлар йиғиндиси қонунчиликнинг янги тармоғи — таълим қонунчилигини ташкил этмоқда. Давлатимизнинг таълим соҳасидаги амалий фаолияти унинг кўп қиррали фаолиятида муҳим ва мустақил функция сифатида намоён этилмоқда.

Таълимга оид норматив-ҳужжатлар фуқаронинг таълим олишга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солиш, молиявий ва моддий-техник таъминлаш, таълим ва кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ривожлантиришга ёрдам беради.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонда таълим ва фан соҳасини ривожлантириш борасида қуйидагиларга эътибор қаратилди:

– узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

– таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

– мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: «Sharq», 2009. — 592 б.

– умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

– болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни musiқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар musiқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

– касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

– таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

– илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда инновацион ва креатив фикрлайдиган, замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги кунда республикада 111 та олий таълим муассасаси мавжуд, улардан 91 таси маҳаллий ҳамда 20 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиалларидир. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 5 та олий таълим муассасаси, 16 та филиал ва 13 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди. Бу ҳаракатларнинг барчаси Президентимизнинг талаб ва истаклари, мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлаш эҳтиёжи билан изоҳланади.

Таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига оид нутқларида маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўйи, нуфузи пасайиб кетгани, янги давр педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада бир

катор жиддий муаммоларни келтириб чиқаргани ҳақида сўз юритиб ўқитувчилар ойлигини ошириш ва рағбат ҳақида кўп гапирадилар.

Янги давр педагоглари тарбиялаш деганларида ўқитувчиларнинг замонавий билимларни эгаллашлари ва уларнинг педагогик маҳорати, коммуникатив компетенциясига, эргаштирувчилик қобилиятига ишора қилганларини англаб олиш қийин эмас. Бу алоҳида билим, кўникма, малака ва компетенцияни талаб этади.

1.2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва уларнинг турлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчасининг таърифи шу ҳақда қабул қилинган Ўзбекистон қонунида берилган. 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-342-сонли Қонуни асосида амалдаги (2000 йил 14 декабрда қабул қилинган) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу янги таҳрирдаги Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган². Норматив-ҳуқуқий ҳужжат «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари³;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

² Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 25 декабрдаги 250 (5670)-сонидан эълон қилинган.

³ Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинадиган “фармойиш” номи остидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли қонуни билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тоифасидан чиқариб ташланди. Мазкур Қонун матни бўйича қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади. Қонунлардан ташқари, қонун ости ҳужжатлари ҳам мавжуд. Қонун ости ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари биргаликда қонун ҳужжатларини ташкил қилади. Демак, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунлар ва қонун ости ҳужжатларидан таркиб топади.

Қонун деб, энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга айтилади. Қонунларни қабул қилишнинг иккита йўли бор: (1) қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилиши мумкин ёки улар (2) референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари **конституциявий қонунлар** тарзида қабул қилиниши мумкин. Бундай қонунлар Конституцияни ўзгартирадиган қонунлардир.

Кодекслар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тасдиқланади. Ҳозирги кунда амалда бўлган кодекслар сони 18 та.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

қилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш яқка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади. Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат

қўлланилади. Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ўзга ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамаси иштирокчилари ишлаб чиқувчи томонидан унинг матни билан олдиндан таништирилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, экологик, коррупцияга қарши экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақилдирлар ва улар экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ бўлмайди. Экспертларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича хулосалари тавсия хусусиятига эга ва ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган томонидан кўриб чиқилиши керак. Хулосанинг инобатга олинмаган бандлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берган ҳолда маълумотнома тайёрланади. Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи

нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана (Ўзбекистон Республикасининг қонунлари учун маъқулланган ва имзоланган сана ҳам), рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рўйхатга олиш рақами ҳам);

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахснинг лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни унга имзо қўйиш йўли билан, яъни Ўзбекистон Республикасининг қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Президенти; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарори — Ўзбекистон Республикасининг Президенти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари — норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари — тегишли ҳоким томонидан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан

Ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат баён тарзида расмий эълон қилинишига йўл қўйилмайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида жойлаштирилиши шарт. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари эълон қилиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг, уларнинг барча реквизитларини, улар эълон қилинган расмий нашрларни ва уларнинг кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан йўл қўйилади. Бунда расмий нашрларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг аниқ такрорланиши таъминланиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,

шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишни ёхуд кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди беради. Қонун ости ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

1.3. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.

Конституция давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

“Конституция” атамаси Қадимги Римдаёқ маълум бўлган (император Конституцияси деб аталган қонун). Амир Темур тузуклари Шарқ цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. У шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган. Ўзбекистон

конституцияси Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг 97 та мамлакати тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олиб яратилган.

Ўзбекистон Олий Кенгаши қарори билан 1990 йил 21 июнь куни Биринчи Президент Ислам Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилган ва Конституция лойиҳаси ана шу комиссия томонидан икки йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланган. Биринчи Президентимиз Конституциявий комиссия иш бошлаши билан мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳатларини ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Конституция лойиҳасини тайёрлашга бевосита раҳбарлик қилди. Конституцияни яратиш йўлидаги муҳим ҳуқуқий кадам – Давлат мустақиллигининг эълон қилинишидир.

Биринчи Президент И. Каримовнинг 1991 йил 31 августда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи, айниқса, ўша нутқдаги: “Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни – умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман”, деган оташин сўзлари Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан мангуга ёзилгандир.

Конституциянинг яратилиши, муҳоама қилиниши ва қабул қилинишида ўз тарихига эга. Республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикр 1990 йил мартда Олий Кенгашнинг ўн иккинчи чақириқ I сессиясида ўртага ташланган эди. 1990 йил 20 июнда Олий Кенгашнинг II сессиясида Мустақиллик декларациясида қабул қилинган принциплар асосида давлатнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилиши лозим, деган хулосага келинди. Сессия Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Комиссия таркибига депутатлар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, давлат, жамоат ташкилотлари, корхоналар, хўжаликлар раҳбарлари, таниқли ҳуқуқшунослар, олимлар ва мутахассислар киритилди.

Олимлар АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва давлатларининг конституциялари, Россия, Белоруссия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистоннинг асосий қонун ва конституция лойиҳаларини чуқур ўргандилар.

Учта муқобил концепция яратилди:

- 1) ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти (ЎзР ФА Президиумида муҳокама қилинган ва маъқулланган) концепцияси;
- 2) Сиёсатшунослик институти концепцияси;
- 3) Президент аппаратининг давлат-ҳуқуқий сектори (юримдик бўлими) концепцияси.

Конституция лойиҳасининг олти бўлим, 158 моддадан иборат дастлабки варианти 1991 йил ноябрда тайёрланган. 1992 йил баҳорида лойиҳанинг иккинчи, 149 моддадан иборат варианти ишлаб чиқилди. Учинчи вариант 137 моддадан иборат эди. Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилишидан олдин 127 моддага келтирилди.

1992 йил 5 сентябрда Конституциявий Комиссиянинг йиғилиши ўтказилди. Шундан сўнг ўзбек халқининг тарихий, миллий ва маънавий хусусиятлари имкон қадар акс эттирилган ҳолда Конституция лойиҳасининг биринчи кўриниши тайёрланди. Конституция лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Конституция лойиҳасига 80 га яқин муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар, аниқликлар киритилди. Конституция лойиҳаси фуқароларнинг таклифлари асосида қайта тузатилиб, 1992 йил 21 ноябрда иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан зиёд таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституция лойиҳасининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» номли бўлими бўйича 1978 та таклиф ва мулоҳазалар тушган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида (1992 йил 8 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлганидек, Ўзбекистонда таълимни, хусусан олий таълимни юридик тартибга солишнинг ҳам асосий норматив ҳужжати саналади. Бунда унинг айниқса 41-моддаси муҳим аҳамиятга эга.

“41-модда.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда.

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган

хуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ҳозирги кунда таълимни давлат томонидан назорат қилувчи органларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Ҳар кимга (чет эл фуқароларига халқаро шартномага мувофиқ) билим олишда тенг хуқуқлар, ушбулардан қатъи назар, кафолатланади:

- жинси,
- тили,
- ёши,
- ирқий мансублиги,
- миллий мансублиги,
- эътиқоди,
- динга муносабати,
- ижтимоий келиб чиқиши,
- хизмат тури,
- ижтимоий мавқеи,
- турар жойи,
- ЎзР ҳудудида қанча вақт яшаётганлиги.

Республикада истиқомат қилаётган *фуқаролиги бўлмаган шахслар* билим олишда ЎзР фуқаролари билан тенг хуқуқларга эга. Фуқаролиги бўлмаган шахс – бу Ўзбекистон фуқаролигига ва бошқа бирор давлатнинг фуқаролигига эга бўлмаган шахсдир.

1.4. Коррупцияга қарши курашнинг хуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 2017 йил 3 январда қабул қилинган. Қонунга кўра, коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий

манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмишдир. Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиклик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлигидан иборат.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти.

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2019-2020
ЙИЛЛАРДА
КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ
ДАВЛАТ ДАСТУРИ
ТАСДИҚЛАНДИ



Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда **самарадорлик индикаторлари** ишлаб чиқилади



Давлат хизматчиларини танлаб олиш, тайинлаш ва **юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тизими** шакллантирилади



Худудлардаги халқ депутатлари Кенгашлари таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссиялари** ташкил этилади



Давлат хизматчилари учун **чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантиришларнинг аниқ рўйхати** белгиланади

2019 йил
1 июлдан



Давлат органларида юзага келадиган **коррупция хавф-хатарлари** мажбурий баҳолаб борилади



Коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг рўйхати шакллантирилади



Давлат хизматчиларининг **мулки ва даромадларини декларация** қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилади

2019 йил 1 сентябрдан

ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида **ҳуқуқий таълим** берилди

2019 йил 1 августдан

эксперимент тариқасида капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаси амалга оширилади

2020 йил 1 апрелдан

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси бошқа соҳаларга босқичма-босқич жорий этилади

advice.uz

@huquqiyaxborot

Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин. Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда

жавобгар бўлади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади.

**Пора олганлик (210-модда), пора берганлик (211-модда)
ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик
(212-модда) учун жавобгарлик**

➔ **ЖАРИМА:**
ЭКИХнинг 50 бараваридан 100 бараваригача.

➔ **ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ:**
2 йилдан 5 йилгача.

➔ **ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ:**
1) 5 йилгача;
2) 5 йилдан 10 йилгача (пора **кўп миқдорда** бўлса);
3) 10 йилдан 15 йилгача (пора **жуда кўп миқдорда** бўлса).

Эслатма:
ЭКИХ – энг кам иш ҳақи.
Кўп миқдор – ЭКИХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача.
Жуда кўп миқдор – ЭКИХнинг 500 баравари ва ундан орттиқ.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли фармони коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни навбатдаги босқичга чиқарди. Фармоннинг энг муҳим қирралари қуйидагилардир:

1) Олий Мажлиснинг палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилган.

2) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссияларини ташкил этиш** тавсия этилди.

3) Ўрта муддатли истиқболдаги коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди.

4) Идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5) **2019 йил 1 июлдан бошлаб** давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради.

6) Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

7) Ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича **2019 йил 1 сентябрдан бошлаб** комплекс чора-тадбирлар татбиқ этилади.

8) Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида **коррупцияга қарши мавзулар** янада кучайтирилади.

9) Муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича 3 ой муддатда таклифлар ишлаб чиқилади.

10) Идоралараро комиссия **2019 йил 1 августдан бошлаб** эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда **капитал қурилиши ва олий таълим соҳаларида** «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга оширишни ташкил этади, **2020 йил 1 апрелдан бошлаб** лойиҳани **бошқа соҳаларга ҳам** босқичма-босқич жорий этади.

11) Идоралараро комиссия **ҳар йили 1 апрелга қадар** тегишли соҳаларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади.

12) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Идоралараро комиссияга ахборот киритади.

13) Махсус комиссия **2019 йил 1 сентябрга қадар:**

➤ Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришни;

➤ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштиришни;

қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этишни назарда тутувчи комплекс чоратadbирлар бўйича «*Йўл харитаси*» лойиҳасини ишлаб чиқади.

Назорат саволлари

1. Нима учун тегишли ҳужжат “норматив-ҳуқуқий ҳужжат” деб аталади? “Норматив ҳужжат”, “ҳуқуқий ҳужжат” ва улар бирикмаси бўлган “норматив-ҳуқуқий ҳужжат” тушунчаларининг ўзаро нисбати қандай?

2. Нима учун баъзан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини Асосий қонун деб атаймиз? Бундай таъриф учун юридик асос мавжудми?

3. Фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олиш ҳуқуқига эгами?

4. Ўзбекистон республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳақида нималарни биласиз?

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг келгусидаги аҳамияти нималардан иборат бўлиши мумкин?

6. Келгусида “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдагиси қабул қилинса, унда қандай ўзгартишлар ва қўшимчалар бўлиши мумкин?

7. Ўзбекистон Конституциясининг таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти нималардан иборат?

8. Олий таълим борасида “Таълим тўғрисида”ги Қонунда қандай нормалар белгиланган?

9. Нима учун олий таълим соҳаси “Коррупциясиз соҳа” деб белгиланди? Бундан қандай мақсадлар кўзланган? Коррупция рухсат этиладиган соҳалар ҳам бўлиши мумкинми?

10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай турлари мавжуд?

2-мавзу: Олий таълим тизимининг қонуности ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.

Режа:

- 1. Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.**
- 4. Давлат таълим стандартлар, ўқув режалар, фан дастурлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар**

Таянч тушунчалар: *Қонуности ҳужжатлар, қонуности ҳужжатларининг турлари, фармон, қарор, фармойиш, буйруқ, йўриқнома, давлат таълим стандартлари, олий таълим, бакалаврият, магистратура, бакалавр, магистр, олий маълумот даражаси, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, малака талаблари, ўқитишнинг меъёрий муддати, ўқув фанлари блоки, ўқув режаси, ўқув фани, ўқув йили, ўқув семестри, ўқув фани дастури, малака амалиёти, якуний давлат аттестацияси, ўқитиш сифатини назорат қилиш, таълим сифатини назорат қилиш, олий таълим муассасаси аттестацияси, олий таълим муассасаси аккредитацияси.*

1. Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг асосий шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг қуйидаги уч хусусияти билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ваколатли давлат органлари томонидан яратилиб, барча учун умумий мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; 2) уларда ҳуқуқий қонданнинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ифода этилади; 3) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган

тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади⁴.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари;

Ўзбекистон Республикасининг жорий қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатлари ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ҳукуматга итоат этувчи бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан ҳам чиқарилади. Булар вазирликлар, давлат қўмиталарининг қарорлари, буйруқлари ва йўриқномалари бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатларнинг таъсир кўлами, амал қилиш доираси ва юридик кучи уларни ўрнатувчи бошқарув органининг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва ваколатлари билан белгиланади. Улар қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига мувофиқ ҳамда шу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади. Бошқарув тизимидаги қуйи органнинг ҳуқуқий акти ундан юқори турувчи органнинг актига мувофиқ бўлиши шарт. Республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа бошқарув органларининг қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига зид ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан бекор қилиниши кўзда тутилади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар шу давлат органлари ҳокимияти таъсир этадиган ҳудуд доирасида амал қилади. Улар юқорида саналган ҳужжатларга зид бўлиб чиқса, тегишли тартибда бекор қилинади. Қонуности ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

⁴ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: «Sharq», 2009. — 592 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#) ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармон ва қарор тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони жамият ҳаётининг алоҳида соҳаларини ислоҳ қилишга ёки давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашга, давлат органларини ташкил этишга (туғатишга) қаратилган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қонун ҳужжатларида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини амалга ошириш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари қуйидаги энг муҳим йўналишлар ва масалалар бўйича қабул қилинади:

солиқ, пул-кредит, божхона ва валюта сиёсатининг асосий йўналиш ва параметрлари;

солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш масалалари;

йиллик, чораклик ва ойлик валюта баланслари, давлатнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш масалалари;

қимматли металл билан операциялар;

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни ва муҳим соҳа ва тармоқларни либераллаштиришнинг стратегик масалалари;

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ривожланиш концепциялари;

ойлик иш ҳақларини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар;

маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бошқарув тузилмасини, таълимни такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқарув органларини қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари;

миллий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини муҳофаза қилиш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек стратегик муҳим аҳамиятга эга бошқа масалалар;

Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик хизматлар фаолияти масалалари;

судлар, адлия, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ қилиш масалалари;

фуқаролик жамияти институтларини, диний ташкилотларни ислоҳ қилиш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари қуйидаги энг муҳим йўналишлар ва масалаларни ҳал этиш учун қабул қилинади:

тегишли йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози;

солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларни бериш, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш масалалари;

қимматли металларни қазиб олишга давлат буюртмаси;

ёқилғи-энергетика комплексини, иқтисодиётнинг базавий ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг узок муддатли истиқболлари ва дастурлари;

маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарув органлари ва бошқа давлат органлари бошқарув тузилмасини такомиллаштириш;

халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш дастурлари;

давлат сафарбарлик ва стратегик захираларини шакллантириш ва фойдаланиш масалалари;

экспорт потенциалини ривожлантириш дастурлари параметрлари ва товарлар (ишлар, хизматларни) экспорти истиқболлари;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони;

алоҳида маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг моддий баланслари;

Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик хизматлар фаолияти масалалари;

судлар, адлия, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятини ислох қилиш масалалари.

3. Ўзбекистон Республикаси бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг лойиҳалари қонунларини ижро этиш учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари топшириғига кўра, шунингдек давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ташаббуси билан уларга юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қуйидаги масалалар бўйича қабул қилинади:

ҳудудлар, коммуникациялар ва муҳофаа саноатини ривожлантириш;
макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик;

инвестиция ва халқаро иқтисодий алоқалар;

ижтимоий ривожланиш;

ФХДЁ органлари фаолияти, аёллар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш;

ёқилғи-энергитика ва саноатнинг асосий тармоқларини ривожлантириш;

аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш;

телекоммуникация, ИТ-технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини тامينлаш;

ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари.

Вазирлик ва идоралар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида тегишли ҳужжатни қабул қилишга ваколат берган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан давлат хизматларини кўрсатиш тартиби, шунингдек юқорида юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган тўловлар ва йиғимлар, жисмоний ва юридик шахсларга маъмурий ва бошқа чекловларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш яқка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

Вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг номи ўзгартирилган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартирилган номга оид қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги ном кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши номи ўзгартирилган вазирликка, давлат қўмитасига ёки идорага тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора мақомининг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ўз ваколатлари доирасида қарор шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалар бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатини вилоят ҳокимларига бериш ҳуқуқига эга бўлиб, ушбу қарорлар вилоят ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари қарорлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига зид бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки юқори турувчи халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади.

Ҳоким қарорлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва юқори турувчи ҳокимларнинг қарорларига зид бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, юқори турувчи халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва ҳокимлари томонидан бекор қилинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан уларнинг таркибий қисми ҳисобланадиган низомлар, регламентлар, қоидалар, йўриқномалар, концепциялар, доктриналар, дастурлар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Низомлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, мақомини, асосий вазибаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини, шунингдек турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солинишини белгилайди.

Регламент давлат органлари ва ташкилотларининг иш тартибини, шунингдек улар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширилишини белгилайди.

Қоидалар муайян фаолиятни амалга оширишга бўлган талабларни белгилайди.

Йўриқнома норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирилган жиҳатларини белгилайди.

Концепция турли соҳаларда давлат сиёсатининг устувор ва асосий йўналишлари, мақсадлари, вазифа ва амалга ошириш механизмларини белгилайди.

Доктрина турли соҳалардаги Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлашнинг мақсадлари, вазибалари, тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилайди.

Дастур турли соҳаларда давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар тизимини (вазибалар, амалга ошириш муддатлари, ресурслар ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган) ва механизмларини белгилайди.

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик,

давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари, агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса ёки алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланмаслиги керак бўлса, назарда тутилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий нормалар муқаддимага киритилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳуқуқий нормалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар кўринишида баён этилади. Моддалар қисмларга ажратилиши мумкин. Моддаларнинг қисмлари бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларни қамраб олиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқий нормалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандлар ва хатбошиларга ажратилиши мумкин.

Ҳажм жиҳатидан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга эга бўлади ҳамда рақамланади.

Зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

Зарур ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта айнан такрорланмайди.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг (ёки унинг қисмларининг) кучга кириш муддати кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:
ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана (Ўзбекистон Республикасининг қонунлари учун маъқулланган ва имзоланган сана ҳам), рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рўйхатга олиш рақами ҳам);

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахснинг лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарори —
Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори —
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари — норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари — тегишли ҳоким томонидан имзоланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида жойлаштирилиши шарт. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари эълон қилиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг, уларнинг барча реквизитларини, улар эълон қилинган расмий нашрларни ва уларнинг кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан йўл қўйилади. Бунда расмий нашрларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг аниқ такрорланиши таъминланиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳудуд бўйича амал қилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг юрисдикцияси билан белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқача изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг қисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳужжатларига,

ўтказилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда ҳужжатга (унинг қисмига) муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширганда чет эл юридик шахсларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қуйидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса юз берганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қонунда белгиланган тартибда [Конституцияга](#) хилоф ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми бекор қилинганда.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши керак.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар, ўз кучини йўқотган деб топилаётган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар қисмлари рўйхати норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида кўрсатилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари сони анча кўп бўлган тақдирда, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилиши

лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати алоҳида ҳужжат сифатида расмийлаштирилади. Бундай ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан бир вақтда тақдим этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз танишиш имкониятини таъминлайдиган ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тегишли ҳудудда ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш борасидаги ваколатларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижро этилишига қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини ўрганади ва, зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

белгиланган [тартибда](#) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

тегишли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини ўрганади ва, зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

белгиланган [тартибда](#) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Давлат таълим стандартлар, ўқув режалар, фан дастурлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.

[«Таълим тўғрисида»](#) ва [«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»](#)ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини бажариш юзасидан ва олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш, жаҳон таълим тизимига қўшилиш, шунингдек олий таълимнинг ўқув-методик ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Давлат таълим стандартларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда:

таълим соҳаларининг давлат таълим стандартларини, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари ва фанлар дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш;

олий таълим тизими учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан «Олий таълим тўғрисидаги низом» ва «Олий таълим муассасасининг васийлик кенгаши тўғрисидаги низом»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига зарурият бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

олий ва ўрта махсус таълим, касб-ҳунар таълими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни мувофиқлаштириш юклатилади.

Давлат таълим стандарти (ДТС) [«Таълим тўғрисида»](#), [«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»](#)ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» 1997 йил 6 октябрдаги [ПФ-1869-сон](#) ва «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги [ПФ-2107-сон](#) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги [5-сон](#), «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 мартдаги

[109-сон](#), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 24 июндаги [293-сон](#) қарорлари ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоровий бўйсунитиши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

ДТСга Кадрлар тайёрлаш миллий [дастури](#) босқичларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган олий таълим стандартлари:

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;

- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

- Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган олий таълим стандартлари — таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари.

Муайян таълим соҳасининг давлат таълим стандарти қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- зарварақ (титул);

- мундарижа;

- муайян таълим соҳаси (соҳа таркиби) нинг умумий таснифи;

- битирувчиларнинг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;

- ўқув режа тузилмаси;

- кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.

Таълим соҳасининг давлат таълим стандарти иккита (бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари) қисмдан иборат бўлади.

Қуйидагилар олий таълимнинг норматив ҳужжатлари ҳисобланади:

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари;

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар.

Олий таълимнинг таълим соҳалари давлат таълим стандартлари ва норматив ҳужжатлари «ДТС. Асосий қоидалар» ва Oz DSt 1.0:1998, ЎзРСТ 1.8-94, Oz DSt 1.9-1995. стандартларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

Олий таълимнинг биринчи босқичида ўқув режалари ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режалари ва фанлар дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналишлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Назорат учун саволлар

1. Қонуности ҳужжатлар деганда нима тушунилади? Қонуности ҳужжатларининг турларига қандай ҳужжатлар киради? Фармон, қарор, фармойиш, буйруқ, йўриқнома тушунчасини изоҳланг.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларининг қабул қилинишини тушунтириб беринг.

5. Вазирлар Маҳкамаси қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нималар киради?

6. Давлат қўмиталари ва идораларининг қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қандай ҳужжатлар киради?

7. Маҳаллий давлат ҳокимияти қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қандай ҳужжатлар киради?

8. Давлат таълим стандартлари ва уларнинг мазмунини изоҳланг.

IV. ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар	Уларнинг шарҳи
Норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар —	умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.
Қонун —	Ўзбекистон Республикасида энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган масалалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган олий юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжат.
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар —	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади
қонун ости ҳужжатлари —	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари
бакалавриат —	ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим
магистратура —	бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим
бакалавр, магистр —	олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар
олий маълумот даражаси —	шахс томонидан олий таълимнинг муайян ўқув режалари ва фанлар дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси
олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом) —	аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўқув режалари ва фанлар дастурини

	базарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради
олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори —	олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати
олий таълимнинг давлат таълим стандарти —	муайян таълим соҳасига (соҳа таркибига) қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даражаси
малака талаблари —	узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар
ўқитишнинг меъёрий муддати —	таълим олувчилар томонидан ўқув режалари ва фанлар дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат
ўқув фанлари блоки —	ўқув режалари ва фанлар дастурларининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми
ўқув режаси —	олий таълимнинг муайян бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат
ўқув фани —	таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими
ўқув семестри —	олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми
ўқув фани дастури —	таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат

малака амалиёти —	ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларнинг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми
якуний давлат аттестацияси —	бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш
ўқитиш сифатини назорат қилиш —	талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш
таълим сифатини назорат қилиш —	ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш
олий таълим муассасаси аттестацияси —	олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир
олий таълим —	узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалаврият ва магистратура
Коррупция —	шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш
коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик —	коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш
Классификатор —	олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати.
Йўналиш —	5-босқичнинг ўқув режалар ва фанлар дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг

	муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, уқувлар ва кўникмалар комплекси.
Мутахассислик —	5А-босқичнинг ўқув режалар ва фанлар дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «магистр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи муайян мутахассислик бўйича билимлар, уқувлар ва кўникмалар комплекси.

V. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011. -440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 591 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 351-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар.

20. Олий таълим. Меъёрий - ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. “Истиқлол” -Т., 2004.

21. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. -Т., 2013.

22. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. -М.: РУДН. 2002.

23. Регион: Управление образованием по результатам Теория и практика / Под редакцией П.И.Третьякова. -М.: Новая школа. 2001.

24. Семеусов В. Предпринимательская деятельность в вузе // Российская юстиция. -М.: 2000.

25. Галаган А.И. Финансирование образования в развитых зарубежных странах. -М., 2003. -С. 23
26. Болюбаш Я.Я. Организация учебного процесса в высших учебных заведениях. - К.: Компас, 1997.
27. Высшее образование в XXI веке: подходы и практические меры. - Париж: ЮНЕСКО, 1998, 5-9 окт.
28. Реформа и развитие высшего образования. Программный документ. - Париж: ЮНЕСКО, 1995.
29. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.
30. Memorandum of Higher Education in the European Community // Commission of the European Communities. - Brussels, 1991.
31. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.
32. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.
33. Образовательное законодательство и образовательные системы зарубежных стран / Федеральн. центр образоват. законодательства. Центр публ.-правовых исслед.; Под. ред. проф. А.Н. Козырина. - М.: Academia, 2007. - 432 с. (Монографические исследования: право).